EURASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES, PHILOSOPHY AND CULTURE
Innovative Academy Research Support Center
UIF = 8.2 | SJIF = 8.165 www.in-academy.uz



HISTORIOGRAPHY OF SOVIET TAX POLICY APPLIED TO THE RURAL POPULATION

Jakhongir Kholmurotov
Lecturer at the Department of Social Sciences Andijan State Institute of Foreign Languages.
https://doi.org/10.5281/zenodo.12564201

ARTICLE INFO

Received: 20th June 2024
Accepted: 26th June 2024
Online: 27th June 2024

KEYWORDS

Soviet power, tax policy, tax legislation, taxation of the population, agriculture, taxes, collective farmers, individual farms, income tax, military tax, agricultural tax.

ABSTRACT

The article analyzes the historiography of scientific research that sheds light on the tax policy of the Soviet government in the years after World War II. The existing literature provides generalized information about the evolution of Soviet tax legislation and its important changes and innovations observed at individual stages.

ИСТОРИОГРАФИЯ СОВЕТСКОЙ НАЛОГОВОЙ ПОЛИТИКИ ПРИМЕНЕННОМ К СЕЛЬСКОМУ НАСЕЛЕНИЮ

Жахонгир Холмуротов
Преподаватель кафедры Социальных наук
Андижанский государственный институт иностранных языков.
https://doi.org/10.5281/zenodo.12564201

ARTICLE INFO

Received: 20th June 2024
Accepted: 26th June 2024
Online: 27th June 2024

KEYWORDS

Советская власть, налоговая политика, налоговое законодательство, налогообложение населения, сельское хозяйство, налоги, колхозники, единоличные хозяйств, подоходный налог, военный налог, сельскохозяйственный налог.

ABSTRACT

В статье анализируется историография научных исследований, проливающих свет на налоговую политику советского правительства в годы после Второй мировой войны. В существующей литературе представлены обобщенные сведения об эволюции советского налогового законодательства и его важных изменениях и новациях, наблюдавшихся на отдельных этапах.

EURASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES, PHILOSOPHY AND CULTURE
Innovative Academy Research Support Center
UIF = 8.2 | SJIF = 8.165 www.in-academy.uz

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИГА ЮРИТГАН СОЛИҚ СИЁСАТИ ТАРИХШУНОСЛИГИ

Жаҳонгир Холмуротов
Андижон давлат чет тиллар институти
Ижттимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси
https://doi.org/10.5281/zenodo.12564201

ARTICLE INFO

Received: 20th June 2024
Accepted: 26th June 2024
Online: 27th June 2024

KEYWORDS

Совет ҳокимияти, солиқ сиёсати, солиқ қонунчилиги, аҳолини солиққа тортиш, деҳқон хўжалиги, солиқлар, колхозчилар, якка тартибдаги деҳқон хўжаликлари, даромад солиғи, ҳарбий солиқ, қишлоқ хўжалик солиғи.

ABSTRACT

Ушбу мақолада совет ҳокимиятининг Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда қишлоқдаги солиқ сиёсати масаласи ёритиб ўтилган илмий тадқиқотлар тарихшунослиги таҳлил этилган. Мавжуд адабиётларда совет солиқ қонунчилиги эволюцияси ва унинг муайян босқичларида кузатилган муҳим ўзгартиришлар, янгиликлар бўйича умумлаштирилган маълумотлар берилган.

XX аср жаҳон халқлари тарихида жуда катта ўрин тутади. Бу аср ижтимоий тараққиёт жараёнининг мураккаб ва кўп қиррали воқеаларига, инсоният ҳаётининг барча жабҳаларида йирик ўзгаришларга бой бўлиб, улар аср охирига келиб жаҳон цивилизациясига янгича қиёфа бахш этди. XX аср Ўзбекистон тарихида жуда муҳим воқеаларга бой бўлди. Ватанимизнинг ана шу бой ва зиддиятли тарихини ўрганиш миллий онгнинг юксалиши, ватанпарварлик ҳисларининг шаклланишида, миллатнинг жипслашуви, ёш авлодни ўзига хос тарихий анъаналаримиз, халқимиз ўтмишига хурмат руҳида тарбиялашда катта аҳамият касб этади. Зотан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан-авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир” [1. Б. 29].

Аҳолини солиққа тортиш муайян давлат сиёсатининг муҳим қисми ҳисобланади. Солиқ юкини тартибга солиш нафақат бюджет даромадларини кўпайтиришга, балки унинг ривожланишига бевосита таъсир кўрсатадиган муайян тармоқдаги иқтисодий фаолликни камайтириш ёки оширишга қаратилган бўлиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, солиқ сиёсатини режалаштиришда давлат кўплаб жиҳатларни, шу жумладан солиқ солинадиган аҳоли тоифаларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиши керак бўлади.

Сиёсий тузилиш ва иқтисодий тизимга қараб, бу муаммони давлат ҳокимияти турли усуллар ёрдамида ҳал қилиши мумкин. Совет ҳокимияти даврида мамлакатда

узоқ вақт режали иқтисодиётнинг амал қилганлиги давлат институтлари, жумладан, солиқ тизими ривожланишига кўп жиҳатдан таъсир кўрсатди. Шунинг учун ҳам Совет Иттифоқининг солиқ сиёсатини Ўзбекистон тарихининг ажралмас қисми сифатида кўриб чиқиш тадқиқотчилар учун муҳим вазифалардан бири саналади.

Совет ҳокимияти йилларидаги аграр ислоҳотлар ёки ҳокимият ва деҳқонлар ўртасидаги муносабатлар муаммоси бугунги кунда тарихий адабиётлардаги энг мунозарали масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Совет даври тарихчилари “социалистик” қурилишнинг бутун даври мобайнида совет ҳокимияти ва қишлоқ ўртасидаги муносабатлар мавзусига катта эътибор қаратганлар ва бу муаммо бўйича бир қатор тарихшунослик масалалари таҳлил этилган асарлар яратилган [2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9].

Совет ҳокимияти йилларида совет тарихшунослиги қишлоқ аҳолиси – деҳқонларни солиққа тортиш ва қишлоқда давлатнинг солиқ сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларни ўрганишда жуда катта тажриба тўплади. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, деҳқон хўжаликларини солиққа тортилишини ўрганишга бағишланган жуда кўплаб ишларда 1945-1953 йилларда қишлоқ аҳолиси ва колхозлардан олинадиган солиқлар тизимини яхлит ўрганишга қаратилган махсус тадқиқот ишлари амалга оширилгани йўқ.

Тадқиқот муаммоси тарихшунослигига ушбу мавзу солиқ тизимини тасодифий ёритишдан асосий бўлмаган ва умумлаштирувчи асарларда юзага келган бир қанча йўналишлар мавжуд бўлиб, бу йўналишлар муаммо бўйича муайян масалаларни алоҳида ўрганиш имконини ҳам беради. Қишлоқ аҳолисини солиққа тортиш масаласини совет давридаги тегишли мутахассисликлар бўйича тарихчилар ва иқтисодчилар, шунингдек, ҳуқуқшунослар томонидан алоҳида муаммолар тарзида ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Анъанага кўра, деҳқон хўжаликларини солиққа тортиш масалалари совет даври тарихининг турли даврларида қишлоқда солиқ чораларини амалга ошириш муаммоларини ўрганишда ўз аксини топган. Ушбу йўналишни ривожлантиришда икки босқични ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу босқичлар давомида ўрганилаётган даврда деҳқонларга нисбатан давлат томонидан татбиқ этилган солиқ сиёсатига турлича ёндашувлар ва баҳолашлар ишлаб чиқилган. Умуман, кўрилаётган ушбу муаммо – 1945-1953 йилларда совет давлатининг қишлоқ аҳолисига нисбатан юритган солтиқ сиёсати масалаалри ёритилган илмий адабиётларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1-гуруҳ – Совет даври (1945-1991 йилар) адабиётлари;

2-гуруҳ – Мустақиллик (1991 йилдан хозирги кунгача) даврида Ўзбекистон ва бошқа МДҲ давлаталрида яратилган илмий тадқиқотлар.

Муаммонинг тарихшунослик таҳлили кўрсатадики, илмий адабиётларнинг катта қисми биринчи гуруҳга тегишлидир. Қишлоқ аҳолисини солиққа тортиш муаммоларини маҳаллий совет даври тарихшунослиги (1945-1991 йиллар) доирасида ўрганиш расмий партия-давлат мафкураси таъсирида олиб борилган. Илмий адабиётлар большевиклар манфаати ва давлат сиёсати доирасида, фақат бир тарафлама ёндашувда яратилган. Бу адабиётларда баён этилган талқин совет тузуми ва совет давлатининг қишлоқларда амалга оширган сиёсий тадбирларига ҳамиша

ижобий баҳо берилган, мавжуд салбий ҳолатлар ва жараёнлардан тамоман кўз юмиб кетилган, воқеа-ходислар сохталаштирилган ёки яшириб кетилган.

Совет давридаги кўпгина тадқиқотлар илмий-оммабоп хусусиятга эга бўлиб, уларда қишлоқдаги бир қатор жараёнлар умумий тарзда ёритилган.Хусусан, С.Д. Ципкин ўзининг “СССРдаги солиқ муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш” номли асарида совет давлатидаги солиқ қонунчилигининг турли қоида ва тамойилларини тзимили равишда таҳлил қилиб берган. Бу асарда қишлоқ аҳолиси даромадларини солиққа тортиш тартиби, солиқ ставкаларини ҳисоблаш методикаси, деҳқонларнинг айрим табақаларига (камбағал хўжаликлар, ногирони бор хўжаликлар ва бошқалар) имтиёзлар бериш тартиби ва бошқа масалалар атрофлича ёритиб берилган [10].

Совет даври тадқиқотчилари М.А. Гурвич, В.П. Дяченко, Г.Л. Маряхин кабилар табиатан тарғиботчи эдилар. Улар деҳқонлардан солиқ ундиришда социалистик тузумнинг афзалликларини ўз асарларида асолаб беришга уринганлар [11, 12, 13]. Хусусан, Г.Л. Маряхин ўзининг “СССРда аҳолига солиқлар тарихининг очерклари” монографиясида “социалистик давлат ўз ривожланишининг ҳар бир босқичида долзарб сиёсий, иқтисодий ва миллий иқтисодий вазифаларга мос келадиган сиёсат олиб борди ва амалга оширмоқда” деб қайд этади. Муалиф социализм даврида қишлоқ аҳолиси зиммасига юкланган солиқларнинг мавжудлигини давлат, кооператив-колхоз ва шахсий мулк шакллари иштирокида амал қиладиган товар-пул муносабатларининг мавжудлиги билан изоҳлайди [13. Б. 156-159]. Солиқлар ундирилганда кооператив-колхоз ташкилотлари ва фуқароларнинг даромадлари улуши давлат томонидан ижтимоий фойдали мақсадлар учун қайта тақсимланишини одатий жараён эканини таъкидлаб ўтади, муаллиф.

XX асрнинг 50-70-йилларида яратилган, аҳолидан солиқ йиғишнинг у ёки бу жиҳатларига бағишланган тадқиқотлар ҳам ушбу мавзу тарихшунослигида муҳим ўрин тутади [14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21]. Хусусан, И.В. Васильевнинг ишида СССРнинг 1953 йил 8 августдаги “Қишлоқ хўжалик солиғи тўғрисида” Қонунининг асосий хусусиятлари таҳлил этилган. Тадқиқотчи М.И. Пискотин эса қишлоқ аҳолисининг солиққа тортилишини тадқиқ этиб, қишлоқ хўжалик солиғи билан боғлиқ бир қатор хусусиятларни ажратиб кўрсатади.

Умуман, совет давлатидаги аграр тарихчилар 1991 йилгача ҳукмрон коммунистик партия ҳужжатлари таъсиридан чиқиб кета олмадилар, улар совет давлати аграр сиёсатининг холис тадқиқотчилари мақомини эгаллай олмадилар. Совет сиёсий тузумининг қулаши ҳокимият ва қишлоқ фуқаролари – деҳқонлари ўртасидаги муносабатлар тарихига оид объектив асарлар яратиш учун зарур шарт-шароитларни яратди. Мафкуравий муносабатларга барҳам бериш, илгари “мутлоқо махфий” тамғаси билан сақланган архивларнинг тадқиқотчилар учун очиб қўйилиши урушдан кейинги йилларда совет ҳокимияти томонидан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг мураккаб муаммоларини турли нуқтаи назарлардан талқин этиш, бу борада янги назарий қарашларни шакллантиришга хизмат қила бошлади.

Совет давлатидаги “қайта қуриш” давридан, яъни, 1980 йилларнинг иккинчи ярмсидан эътиборан ўрганилаётган ушбу мавзуга ёндашув масаласида ҳам ўзгаришлар

содир бўлиб, қишлоқ аҳолисининг солиққа тортилиш жараёнини танқидий ўрганиш, унинг оғир жиҳатларини тадқиқотларда очиб кўрсатиш каби ҳолатлар ҳам кузатила бошлади. Жумладан, тарихчилар М.А. Безнин ва Т.М. Димонининг “1930-1960 йилларда Россия колхозчиларининг мажбуриятлари” асарида, бир томондан, ўрганилаётган даврда колхоз деҳқонларини эксплуатация қилишнинг энг юқори даражаси давлатга қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта имкон берган бўлса, иккинчи бир томондан деҳқон хўжаликларини қашшоқлашувига сабаб бўлгани ҳақида умумий хулосалар чиқарилган [22. – Б. 96-111].

Мустақилликдан кейинги йилларда Россия Федерациясида совет давлатида қишлоқ аҳолисининг солиққа тортилиша бўйича бир нечта китоблар яратилди, уларда солиқ қонунчилиги, солиқ жорий этиш ва йиғишнинг ҳуқуқий томонлари ва бошқа масалалари ўрганилган [23, 24, 25].

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида ҳам бир қатор асарлар, тадқиқот ишлари амалга оширилди, уларда совет ҳокимияти даврида ўзбекистонлик деҳқонларнинг оғир аҳволи, совет давлатининг аграр сиёсати масалалари танқидий руҳда ёритилган, деҳқонларнинг солиққа тортилишига доир ҳам айрим маълумотлар баён этилган [26, 27, 28, 29, 30].

Умуман, Совет ҳокимиятининг қишлоқ аҳолисига нисбатан олиб борган солиқ сиёсати ўзига хос эвоюцион ривожланиш босқичларини босиб ўтган бўлиб, ҳар бир босқичда алоҳида хусусиятларга эга бўлган. Шу ўринда таъкидлроб ўтиш лозимки, давлатнинг солиқ сиёсатига оид асарлар асосан совет ҳокимияти йилларида яратилган бўлиб, уларнинг мазмуни, хусусияти деярли бир хил, уларда совет солиқ сиёсатига ижобий баҳо берилган. Бу даврга оид холисона, танқидий руҳдаги тадқиқотлар нисбатан оз бўлиб, улар ҳам асосан постсовет даврида россиялик тадқиқотчилар томонидан амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида чуқур иқтисодий ислоҳотлар жараёнида аҳолини солиққа тортиш, хусусан, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ солиқ қонунчилиги муҳим ўрин тутади. Айнан ушбу солиқ қонунчилигини такомиллаштириш, аҳолига адолатли солиқ мажбуриятларини юклашда совет даври солиқ қонунчилигини танқидий ўрганиш, ўша давр тажрибаларидан тўғри хулоса чиқариш муҳим аҳамият касб этади.

References:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
2. История советского крестьянства: в 5 т. Том 4. – Москва: Наука, 1988.
3. Очерки истории исторической науки в СССР: в 5 т. Том 5. – Москва, 1985.
4. Развитие сельского хозяйства СССР в послевоенные годы. 1946-1970. Сборник статьей. – Москва, 1972.
5. Чинчиков А.М. Историография трудового подвига советского крестьянства. 1941-1976. – Саратов, 1977.

6. Волков И.М. Деревня СССР в 1945-1953 годах в новейших исследованиях историков (конец 1980-х – 1990-е годы) // Отечественная история. 2000. № 6. – С. 115-124.
7. Анисимов Н.И. На новом этапе. – Москва, 1959.
8. Глотов И.О. О материальной заинтересованности колхозов, колхозников и работников МТС. – Москва, 1954.
9. Заславская Т.И. Принцип материальной заинтересованности и оплата труда в колхозах. – Москва, 1958.
10. Цыпкин С.Д.. Правовое регулирование налоговых отношений в СССР. – Москва: Госюриздат, 1955.
11. Гурвич М.А. Советское финансовое право. – Москва: Юриздат, 1952. – 324 с.
12. Дьяченко В.П. История финансов СССР (1917-1950 гг.). – Москва: Наука, 1978. – 496 с.
13. Марьяхин Г.Л. Очерки истории налогов с населения в СССР. – Москва: Финансы, 1964. – 252 с.
14. Васильев И.В. Новый закон о сельскохозяйственном налоге в СССР // Советское государство и право. 1953. №6. – С. 15-25.
15. Данков В.С. О подоходном налоге с колхозов. – Москва: Госфиниздат, 1948. – 84 с.
16. Казанцев Н.Д. Новый закон о сельскохозяйственном налоге. – Москва: Знание, 1954. – 24 с.
17. Налоги с сельского населения в СССР. Правовые вопросы. Отв. ред. Р.О. Халфин. – Москва: Изд-во АН СССР, 1957. – 191 с.
18. Пискотин М.И. Закон о сельскохозяйственном налоге. – Москва: Госюриздат, 1955. – 68 с.
19. Цалкин Г.М. Самообложение сельского населения: в помощь работникам сельских Советов. – Москва: Госфиниздат, 1956. – 52 с.
20. Степанов В. Льготы по сельскохозяйственному налогу // Советы народных депутатов. 1984. №10. – С. 102-104.
21. Шангин В.И. Новый закон о сельхозналоге в действии. Ростов: Ростовское книжное изд-во, 1955.
22. Безнин М.А., Димони Т.М. Повинности российских колхозников в 1930-1960-е годы // Отечественная история. 2002. №2. – С. 96-111.
23. Толкушкин А.В. История налогов в России. – Москва: Юристъ, 2001. – 24. История налоговой политики России: конец XIX, XX и начало XXI столетия. Экономическая теория и стратегия развития. / Отв. ред.: И.В. Караваева. - Москва: Наука, 2008. – 334 с.
24. Караваева И.В., Архипкин И.В. Налоговая политика России в XX веке. – Москва: Ин-т экономики РАН, 2002. – 167 с.
25. Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения (1917-1938 гг.). – Ташкент: Фан, 1992.
26. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 688 б.
27. Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. – Тошкент: Шарқ, 2000;

28. Тарихнинг номаълум саҳифалари. Илмий мақолалар, ҳужжат ва материаллар, хотиралар. Тўртинчи китоб. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013. – 344 б.
29. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Китоб 2. 1939-1991 йиллар / Масъул муҳаррирлар Р.Абдуллаев, М.Раҳимов, Қ.Ражабов. – Тошкент: O'zbekiston, 2019. – 576 б.